

**"ТАСДИҚЛАНДИ"**

Буюртмачи номи:

Қуйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги  
НС ва ЭБ бошлиғи

Д.Абдуллаев

" 9 " 08 2022 йил

Қуйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳисобидаги вертикал тик қудуқларидаги ЭЦВ русумли насосларини мукаммал таъмирлаш.

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Қуйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳисобидаги ЭЦВ русумли насосларини мукаммал таъмирлаш
2	Буюртмачи	Қуйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси
3	Объектнинг жойлашган манзили	Боёвут ва Ховос туманлари ҳудудларида жойлашган вертикал тик қудуқларда
4	Қатнашувчиларга қуйилган талаб	1.Ишларни (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган техник машина ва механизмлар билан таъминланганлиги ҳамда доимий ишловчи мутахассисларнинг мавжудлиги ва уларнинг касбий тажрибаси (стаж) тўғрисида маълумот. 2.Танловда иштирок этадиган корхонанинг солиқ, банк ва бошқа идоралардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот. 3.Электроқурilmалар (трансформатор, электродвигател, насослар ва бошқалар) ни мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича камида 3 йиллик тажрибага эга бўлишлиги. 4.Виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида ёзувнинг йуклиги тугрисида маълумотнома. 5.Лицензия, гувоҳнома ва ташкилот низоми. Низомда айнан ушбу хизмат турининг фаолиятига рухсат берилганилиги тугрисидаги маълумот.
5	Молялаштириш манбаси. Бажарилган ишларни ҳисоб-китоби	Молялаштириш манбаси Маҳаллий бюджет. Бажарилган ишлар далолатномаси ва ишчи комиссиянинг хулосасига асосан якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилади.
6	Ишни бажариш муддати, Бажарилган ишларни топшириш	Шартнома шартларида қўрсатилган муддатларда ишларни якунлаш. Бажарилган ишлар учун қафолат (қафолат хати) муддатларини бериш. (қафолат муддати 6 ой).
7	Иштирокчиларнинг танлов ҳужжатларига тушунтиришлар бериш учун ариза бериш муддати	Таклифларни топшириш муддати тугашидан 2 кун олдин.
8	Танловнинг утказилиши ва баҳоланиши	Онлайн
9	Ишларни бажариш муддати	60 кун

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!!!

Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси  
(Буюртмачи ташкилот номи)

**Объект номи:** Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳисобидаги вертикал тик қудуқларидаги ЭЦВ русумли насосларини мукамал таъмирлаш.

Объекти бўйича

Объектнинг бошланғич нархи- 111 900 834 сўм (ҚҚС билан.)

Ишларни тугаллаш муддати- 60 календар кун.

Буюртмачи: Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси. Манзил (Сирдарё вил. Гулистон. шах А.Темур кўч. 53 уй). Тел. 67-227-37-85.

### **Молиялаштириш манбаси: Маҳаллий Бюджет маблағлари ҳисобидан.**

Молиялаштириш шартлари (агар ТАЖДа бошқа ҳолат айtilмаган бўлса): бўнак (аванс) – бажарилган ишлар кийматининг 30 фоизи микдориди; жорий молиялаштириш ажратилган бўнак, қолган 70 фоизи- бажарилган ишлар тугрисидаги далолатномага асосан ишлар тулли бажарилгандан сунг туланади.

Агар ТАЖДа бошқача кўзда тутилмаган бўлса, пудрат шартномасининг валюта тури - **Ўзбек сўмида.**

- Танлов иштирокчилари куйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларга куйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:
- Таклифларни баҳолашда иштирокчиларининг танлов таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган киймат солигидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган киймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
- Танлашни ўтказувчи ташкилот манзили (Сирдарё вил. Гулистон. шах А.Темур кўч. 53 уй). Тел. 67-227-37-85. Иш кунлари соат 8-00 дан 17-00 гача. [simasoseab@minwater.uz](mailto:simasoseab@minwater.uz)
- Тасдиқланган танлов ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича [Etender.uzex.uz](http://Etender.uzex.uz) махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин

Эълон 2022 йил " 9 "  кунини [Etender.uzex.uz](http://Etender.uzex.uz) сайтида берилган

**Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси бошлиғи:**



Д.Абдуллаев

## ТАНЛОВДА ИШТИРОҚ ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси номидан танловда иштирокчиларини таклиф этамиз ва куйидаги объект буйича танлов таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объектр номи: **Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳисобидаги вертикал тик қудққларидаги ЭЦВ рўсумли насосларини муқаммал таъмирлаш.**

Объектнинг бошланғич нархи- 111 900 834 сўм (ҚҚС билан.)

Ишларни тугаллаш муддати- 60 календар кун.

Буюртмачи: **Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси.**  
Манзил (Сирдарё вилояти. Гулистон. Шах. А.Темур кўч. 53 уй). Тел. 67-227-37-85.

**Молиялаштириш манбаси: Маҳаллий Бюджет маблағлари ҳисобидан.**

Таклиф этилган шартлар буйича танловда мурожат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ва таъмирлаш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга куйидаги талаблар куйилади:

фуқаролик-муомала лаёқатланган ва шартнома тузиш ваколатига эга;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги ( кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

тўловга кодирлиги ( кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлов объектига ўхшаш объектларга ишлаганлик тажрибаси камида 3 йилга мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлов предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият конун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга булган танлов иштирокчиларга рухсат этилади.

Куйидаги танлов иштирокчиларига танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Кайта ташкил этилиш (бўлиниш, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар, инсофсиз етказиб берувчилар реестрида турувчилар.

Ҳар бир объект қурилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Ҳар бир объект бўйича танловга эълон берган вақтда ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса танлов ҳужжатлари электрон кўрилмасдан қайтариб берилади ва чиқариб юборилади.

Танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлов иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлов иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш мақсадида танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида танлов ташкилотчисига мурожат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки танлов ташкилотчиси объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты)ни танлов иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Таклифларни топшириш танлов иштирокчининг танлов ҳужжатларига кўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

**Қўйи Сирдарё ИТХБ ҳузуридаги насос станциялар  
ва энергетика бошқармаси бошлиғи:**



Д.Абдуллаев